Стратегик ва минтақалараро
кутубхонаси

## МИРЗА МАНСУР ЖУМБОҒИ

**Нега туркистонлик талабаларнинг катта бир гуруҳи Германия (Берлин)га борганида, у ўқишини Берлиндан чекка бир шаҳарчага кўчирган? Нега бошқа ватандошлари билан алоқада бўлмаган? Нега ўз Ватанига қайтиб келган талабалар ҳам, совет давлатида бошланган қатағон туфайли Туркия ёки Германияда қолиб кетган ватандошларимиз ҳам ўз хотираларида унинг номини умуман тилга олмаганлар? У шу йилларда туркистонлик талабалар атрофида авж олган сиёсий ўйинларнинг қурбони бўлмаганмикин?..**

2 -бет

## БЎРОН БИЛАН БЕЛЛАШАЁТГАН БЕЛОРУСЬ

«Европанинг сўнгги диктатураси» деб аташаётган мамлакат ҳаётига назар

**Белорусда мухолифат билан кураш борасида ўзига хос кураш йўли танланган. Давр синовларидан ўтган бу усулга кўра, қайсарлик йўлини танлаган сиёсий арбобларга тўрт девор орасида, панжара ортида ўз фикр-қарашларини яна бир бор сарҳисоб қилиш имкони берилади.**

3 -бет

## МИЛЛИЙ КИНО ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**Назаримизда, йилига 10-15 бадиий ва кўпдан кўп ҳужжатли, илмий-оммабоп, анимацион, телевизион фильмларни суратга олиш режалаштирилаётган ҳозирги кунда биринчи галда ёш кинодраматург ва кинотележиссёрларни тайёрлаш имкониятларини излаш зарур.**

4 -бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 29 (491) 2006-yil 26-iyul

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*

*Нашр кўрсаткичи — 233*

Жараён

# ҚИЗИЛТЕПА ЁШЛАРИ

***Навоий вилоятида сўнгги йилларда бир қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ва масжид, Хотира мажмуаси, шунингдек, кўплаб коллеж ва лицейлар қурилиб ишга туширилди. Ёшлар келажагига мустаҳкам ишончли пойдевор қўйиш билан бирга, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига, касб-ҳунар эгаллаб, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишларига шарт-шароитлар яратилмоқда. Коллежларда касб-ҳунар эгаллаган ёшларнинг эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишлари ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолаётир. Вилоятнинг Қизилтепа туманида бу борада олға силжишлар сезилмоқда. Тумандаги ишлаб чиқариш, қурилиш ташкилотлари янги-янги, замонавий бинолар қуриш билан бирга уларда ёш авлоднинг меҳнат жараёнларига дадил кириб боришларида муҳим ўрин тутмоқда.***

Қизилтепа туман ҳокими ўринбосари Нормурод Исоқов билан бўлган суҳбатда бу борада, "Зилола пойдевори" ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси ҳақида яхши фикрлар айтилди. Корхона кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда унда мингга яқин қурувчилар меҳнат қилишаётир. Қурувчилар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида "Вангози" фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилаётган 540 ўринли коллеж қурилишида бўлдик. Февраль ойида иш бошланганига қарамасдан, қисқа фурсатда асосий ишлар бажарилган. Бир миллиард 490 минг сўмлик иш лойиҳалаштирилган бўлиб, корхонанинг 204 нафар қурувчилари меҳнат қилаётир, уларнинг 184 нафари Қизилтепа ва Ғиждувон тумани ёшлари бўлиб, барчаси "Камолот" бошланғич ташкилоти аъзолари. Ёшлар ғайрат-шижоатидан қурилиш майдони улкан меҳнат ва жасорат ҳудудига айланган. Бу ерда турли коллежларда қурувчилик, пайвандчилик, ҳайдовчилик ва яна кўплаб касбларни ўрганган ёшлар самарали меҳнат қилмоқда.

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Жаҳон Сафаров бу ёшлар фаолиятига муносиб баҳо берди:

— Асосий қурилиш ишлари бажарилди, 1 сентябрда янги коллеж ишга туширилиши режалаштирилмоқда, — дейди бўлим бошлиғи, — маҳаллий корхоналар билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Давлатимиз, Президентимиз юритаётган сиёсат бизга ҳар доим қўл келмоқда. Россия билан алоқалар яхшиланаётгани қувонарли. Келтирилаётган сифатли маҳсулотлардан кенг фойдаланяпмиз.

Корхонада ёшларга кенг имкониятлар эшиклари очилган. Масалан, участка бошлиғи Карим Баракаев Бухоро Технология институтини битириб, 5 йилдан бери шу корхонада ишлайди. Муҳандис Баҳодир Худойқулов, уста қурувчилар Мухтор Раҳимов, Ғайрат Номозов, бригадирлар Фахри Қиличев, Убайдулло Қаххоров, дурадгор Абдумалик Очилов, чилангар Абдураим Нодиров ва бошқа ўнлаб ёшлар ўз келажагини қадрдон жамоалари билан боғлаганлар. Қурувчилар ўртача 100-120 минг сўм ойлик иш ҳақи олаётир. Транспорт хизмати ва 4 маҳал овқатланиш касаба уюшмаси ҳисобидан. Ушбу "Ҳомийлар ва шифокорлар" йилида ҳам жамоа кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда қурувчилар ташаббуси ва ҳомийлигида 210 ўринли мактаб ва маҳалла фуқаролар йиғини бинолари қурилиб, ишга туширилди. Сил касалликлари шифохонаси қурилиши бошланди. Ўтган йилларда вилоятдаги улкан қурилишларнинг барчасида ушбу қурувчи ёшларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ўтган йилда "Зилола пойдевори" ва "Зомининвест" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорликда, лизинг асосида "Вангози агроэкспорт" масъулияти чекланган жамияти барпо этилди. 2005 йилнинг 1 сентябрида ушбу жамиятнинг ёғ заводи фойдаланишга топширилиши билан 160 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Ускуналар Молдава ва Россиядан келтирилди. Ёғ олиш цехида шу пайтгача 1000 тоннага яқин ёғ, кунжара ва шелуха ишлаб чиқарилди. Бир кеча-кундузда 15 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга тегирмон ўрнатилган. Бош муҳандис Насрулло Ҳидоятов, ёш ишчи ходимлар Собир Раҳимов, Комил Муродов, Карим Маллаев каби фидойилар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Ишчилар 80-100 минг сўмдан даромад қилаётир. Қадоқлаш цехида 25 нафар хотин-қизлар ишлайди. Улар меҳнатини енгиллаштириш барчанинг эътиборида. Жамоа унга қўшилиш иштиёқида бўлганларни қучоқ очиб кутиб олади. Яқингинада Мурод Саъдуллаев Бухоро технология институтини битириб, шу заводга иш ахтариб келган эди. Ҳозир у технолог вазифасида ишлаяпти. — Жамоа ишончи, юксак масъулият инсон қадрини ҳам юксалтирар экан, — дейди у, — биз каби ёшларга бу ерда барча шароит яратилган экан, махсус кийим, 3 маҳал овқатланиш, ҳаммом, тиббиёт ва дам олиш хоналаридан фойдаланиш бепул. Бу каби қулайликни бугунги кунда кўп жойларда учратиш қийин. Ёрдамчи хўжаликда чорвачилик ва паррандачилик йўлга қўйилган бўлиб, ишчи-ходимлар мунтазам таъминланиб турибди. Новвойхона ва тикувчилик цехида ҳам 20 киши иш билан банд.

Завод ишга туширилгач, туман дотациядан чиқди ва ушбу кунда туман сармояси четдан маблағ олмасдан молиялаштирилмоқда. Бозор иқтисоди шароитида, бошқа туманлар билан қиёслаганда, бу улкан ютуқ. Асосан, фермер хўжаликлари билан шартнома ва қатъий жадвал асосида иш олиб борилаётгани ҳам эртанги ютуқлар гарови. Корхона ишга туширилиши билан нафақат туман, балки вилоят аҳлини ҳам ёғ маҳсулоти билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Бунда туман ёшлари ҳам салмоқли ҳисса қўшаётгани қувонарли.

Туманда болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратилган. Тумандаги "Дўстлик" оромгоҳида 100 нафар бола дам олмоқда. Оромгоҳда "Камолот" бошланғич ташкилоти ташкил этилган бўлиб, унга Намоз Адизов етакчилик қилаётир, 4 гуруҳда 25 нафардан бола дам олмоқда. Шунингдек, малакали тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, спорт инструктори ва мусиқа раҳбари фаолият кўрсатмоқда. Болалар бу йил ҳам ҳар йилгидек, 4 босқичда дам олади. Туман спорт мактаби ва Болалар ижодиёт уйи тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. Биз оромгоҳда бўлган куни бу ерда "Нимкон" оромгоҳи дам олувчилари билан футбол мусобақаси бўлаётган эди. Замин узра жаҳон чемпионлиги ўйинлари кетаётган бир пайтда, мўъжаз оромгоҳдаги болалар дунёси баҳслари ўзгача гаштли... Кечкурунлари қизиқарли учрашувлар, концертлар бўлиб турибди. Рангли телевизорлар, компьютер, мусиқа маркази ёшлар ихтиёрида, бассейн, душ, стадион, ҳар бир гуруҳга айвончалар ажратилган. Туман ИИБ ходимлари Мухлиса Атоева ва Нуриддин Ҳалимов навбатчилик қилади. Тиббиёт хонаси ва кутубхона болалар хизматида. Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйининг 15 нафар кичик гуруҳ болалари шу ерда дам олмоқда. Тарбиячи Салима Худойназарова шундай дейди:

— Шахсан ўзим 5 йилдирки, болалар билан келаман. Барча шароит бор. Меҳрибонлик уйи болалари 4 навбатда ҳам келишади. Болалардаги ўзгариш дам олиш сўнгида бирдан кўриниб қолади.

Нилуфар Сатторова етакчи бўлиб ишлайди. Кўпгина қизиқарли тадбирларда бош-қош:

— Яқинда ўтказилган "Балли қизлар" кўрик-танловида Зулхумор Раҳимова ғолиб бўлди. Достон Муҳаммадиев, Дилшод Икромов, Шерзод Ғайратов мунтазам спорт билан шуғулланмоқда. Улар айниқса, футбол мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. Қолаверса, барча болаларнинг таътил дамлари хуш ўтмоқда, — дейди болаларнинг севимли тарбиячиси.

**Бахтиёр ТЕМУР**

Воқеа

***Тошкент шаҳрининг гавжум бекатларидан бирида турардим. Йўлакдан одамлар қатновининг кети узилмайди. Ҳар ким ўз ҳолича ҳаракатда. Бир йигит эълонлар тахтасига, дуч келган дарахт танасига, ҳаттоки почта қутиси-ю кишиларнинг кўзи тутиши мумкин бўлган жой борки, қандайдир эълонни елимлаб кетяпти. Ҳатто биттасини бекат устунига ҳам елимлади. Кўз ташласам, катта ҳарфлар билан "шпаргалка" деб ёзилган ва тагида талефон рақамлари ёзилган. Орадан 4-5 дақиқа ўтмай бошқа бир ёш йигит олдингиси елимлаб кетган эълонларни ҳафсала билан йиғиштириб олиб, ўрнига бошқасини елимлаб кетди. Ҳайрон бўлдим. Бу не синоат?***

# РЕПЕТИТОР ВА ШПАРГАЛКА

## абитуриентнинг икки "қаноти"... ми?




Яна кўз ташласам, буниси ҳам худди шу мазмундаги эълон экан. Фақат телефон рақамлари бошқа. "Ана рақобат!" Хаёлимга бирдан шу сўзлар келди. Буларнинг ҳеч кимдан ҳайиқмай қилаётган ишларига қаранг. "Қойил!!!" Бу катта шаҳарнинг битта бекатидаги ҳолат. Тошкент шаҳрининг бундай гавжум бекатлари қанчадан-қанча. Бунақанги ишлар билан қанча одам шуғулланаётган экан. Эҳ-ҳе! Ана, пул топишнинг енгил ва осон усули.

Сўнгги йилларда тест шпаргалкалари, том маънодаги заҳматли меҳнат талаб қилинадиган репетиторлик мавқеига мос келмайдиган ҳаракатлар жамиятимиз ҳаётида тез ва кенг тарқаб кетаётганлигини кузатиш мумкин. Бунинг илдизи қаерга бориб тақалади. Уларнинг тили билан айтганда, "тоза" шпаргалкалар қаердан пайдо бўлади, кимлар буни бошқаради каби саволлар ҳар қандай кишини ўйлантириши керак. Лекин ажабланарлиси шундаки, боласи ўқишга кирмоқчи бўлганларнинг аксариятини бу масала унчалик ҳам қизиқтирмайди. Боласи ўтса бўлди. Қайси йўл билан бунинг аҳамияти йўқ. Шу руҳда тарбияланган ва шахс сифатида шаклланган инсондан кейинги фаолиятида ҳам қаллобликдан бошқа ниманиям кутиш мумкин?! Бу жамиятимиз, миллатимиз эртасига, келажагига нисбатан бепарволигимиз эмасми?

Суҳбатимизнинг мавзусига асос бўлган шпаргалка ва репетиторлик масаласига келсак, ҳаммага маълум маънода янада аниқроқ айтганда, шпаргалка — бизнингча, репетиторликнинг кушандасидир. Нега деганда репетиторлик маълум йўналишда олган билимларни қўшимча билимлар олиш йўли билан бойитиш ва мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шпаргалка эса айни ҳолатда бунинг аксини бажариш учун мўлжалланган. Масалан, актёр учун шпаргалка у томонидан гапирилиши лозим бўлган жумлаларни эсига тушириш учун керак. Юқоридагидек ҳолатда эса бу сир эмас, ўқишга кириш учун имтиҳон топширадиганлар учун умуман билмаган нарсасини кўчириш учун керак ва шунга тайёрлайди. Бунақалар фалакнинг гардиши билан ўқув муассасасига киргандан кейин ҳам шу усулда, яъни шпаргалка усулида ўқишни тугатишга ва мутахассис сифатида диплом олишга ҳаракат қилмаслигига ким кафолат беради. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас! Бунақа усулда диплом олган мутахассислар келажакда жамиятимизга нима бериши мумкин? Кўриб турибсизки, шпаргалкачиларнинг мақсади ўта ғаразли бўлиб, ҳалол меҳнатдан кишини йироқлаштиришдир. Ҳам пулингизни олади, ҳам саводсиз "мутахассис" чиқишига сабаб бўлади.

Дарвоқе, шпаргалкачилар ва сохта репетиторларнинг "меҳнат"ини ҳуқуқ ва молия органлари томонидан "тартиб"га солиш вақти келмадимикин? Ёки бунчалар очиқ ва эркин ҳаракат қилишида бирор бир гап бормикин? Мамлакатимизда ўқишга қабул борасида адолатли механизм ўрнатилганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Лекин мавжуд ҳолатдаги воқеликни ҳам инкор этиб бўлмайди. Айни шу ўринда, ботинан айтганда, шпаргалкачилар ва сохта репетиторларнинг фаолиятини интеллектуал салоҳиятимизга нисбатан бўлган ёвузона ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин.

**МУРОД**

Босилмаса-да

## ЖОЙИДА ЎРГАНИЛДИ

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Чияли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ғ. Жабиевнинг "Зимистонда туғилаётган чақалоқлар" номли мактуби Қашқадарё электр тармоқлари ОАЖ мутахассислари ва Чияли қишлоқ шифохонаси бош шифокори Бабанов иштирокида жойида ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, ушбу шифохонани кенгайтириш ва туғруқхона бўлимини қуриш техник шартлар ва лойиҳа-смета ҳужжатларисиз амалга оширилган ҳамда аҳоли учун мўлжалланган 0.4 кВ кучланишли электр узатиш тармоғига уланган. 2005 йил ноябрь-декабрь ойларида юз берган ўчишлар қарздор истеъмолчиларни тармоқдан узиш ҳамда электр тармоқларидаги носозликларни бартараф этиш мобайнида содир бўлган.

Ҳозирги пайтда шифохона электр энергия билан мўътадил таъминланган. Ва келгусида уни 2-тоифали истеъмолчи сифатида электр энергия билан таъминлаш мақсадида шифохона раҳбариятига Қашқадарё ЭТ ОАЖдан қўшимча техник шартлар олиш ва бу шартларни амалга ошириш тавсия қилинди.

Юқорида эслатилганларни амалга ошириш ҳамда шифохона электр таъминотини янада яхшилаш мақсадида Қашқадарё ЭТ ОАЖ раҳбариятига 0.4-10 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ва 646-сонли ТПни навбатдан ташқари кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма берилди ва белгиланган вазифалар ижросини назоратга олиш топширилди.

**В. ЕЛФИМОВ,**
**"Ўзбекэнерго" ДАК ЭТФБ бошлиғи**

Хабар

## СИЁСИЙ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сиёсий тележурналистикани такомиллаштириш муаммолари» мавзусига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат телерадио каналлар журналистлари, сиёсий партиялар матбуот хизматлари котиблари, ОАВ ва партия қурилиши муаммолари бўйича экспертлар иштирок этдилар. Институт бош илмий ходими А. Нурматовнинг «Телевидениеда партия ҳаётини ёритиш моделлари», институт лойиҳа раҳбари Қ. Жўраевнинг «Сиёсий тележурналистика: замонавий хорижий тажриба» мазусидаги маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Тадбирда телевидениеда сиёсий партиялар фаолиятини ёритишда мавжуд муаммолар, бу борадаги тажрибалар ҳақида фикр алмашилди. Электрон ОАВ ходимлари сиёсий партиялар матбуот хизматлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари, ахборот материалларини тайёрлаш борасида бирбирларига ёрдам беришлари муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари такомиллашган кўппартиявий тизим шароитида жамиятнинг интеллектуал талабларига жавоб берадиган партиявий ахборотлашиш — янги гуманитар фанини ишлаб чиқиш таклифини кўриб чиқдилар.

Ахборот жараёнларини замонавийлаштириш, партия қурилишини таъминлайдиган ахборотнинг таҳлилий ва талқиний асосларига эҳтиёж ортиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай муаммоларни ижобий ҳал этишда тележурналистлар ва сиёсий партиялар матбуот хизматлари яқиндан ҳамкорлик қилишлари ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

**Азиза УСМОНОВА**



*Киссавурнинг кўйлаги*

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

**www.hurriyat.uz**

**«Hurriyat»ни Интернетда ҳам ўқиш мумкин**



Энди газетада эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, бу ёруғ оламнинг турфа сир-синоатларига бағишланган қизиқарли маълумотлар, халқаро шарҳлар, машҳурлар билан суҳбатлар, қисқаси, Сизга маъқул ва манзур бўладиган материалларни газетамизнинг халқаро компьютер тармоғидаги **www.hurriyat.uz** сайтида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонлар учун ўз реклама ва эълонларини **«Hurriyat»** веб-саҳифасига жойлаш имкони мавжуд.

Аҳвол

# ЯНА БУЛБУЛ ҚАЙТАРМИКАН?..

Бундан 200 йил аввал, яъни 1804 йили дунё аҳли бир миллиардга етганди. 1999 йилнинг 12 октябрида олти миллиард аҳоли борлиги қайд этилди. Ҳар сонияда сайёрамизда 21 та чақалоқ туғилиб, 18 нафар одам ҳаётдан кўз юмади. Бунинг натижасида курраи замин аҳли кунига 250 минг кишига кўпаяди.

Ўзбекистонимизда эса 100 йил аввал 1 миллион аҳоли яшаган. Ҳозирга келиб республикамизда 25 миллиондан ортиқ аҳоли бор. Яратган Эгам ҳар бир бандасини ўз ризқ-рўзи билан яратади. Русларда "Одам қанча кам бўлса, кислород шунча кўп бўлади", деган нақл бор. Бағрикенглик ва хоксорлик хислатлари қон-қонимизга сингиб кетган бизнинг халқимизга бу нақл бироз эриш туюлади. Бироқ она табиат, она замин дея баландпарвоз сўзлар билан таърифлаётган атроф-муҳитга зиён-заҳматимиз боис экологик фалокатлар ёқасига келиб қолганимизни инкор этиб бўлмайди. Инсонларнинг бундай хатти-ҳаракатлари ўз яқинига зиён-заҳмат етказиб сўнг унинг яраларига шўрпахта босаётган одамнинг аянчли аҳволини эслатади.

Эътиборингизни қуйидаги маълумотларга қаратишни истардик: атмосферага дунё бўйича ҳар йили одам бошига 300 килограмм чиқинди чиқарилар экан. Америкадан Европага етиб келгунча реактив самолёт 8 соат ичида 50-75 тонна кислород сарфлайди. Шунча миқдордаги кислородни тахминан 25-30 минг гектар ўрмон 8 соатда ишлаб чиқара олади.

Инсониятнинг беминнат ёрдамчиси ҳисобланган ҳар бир енгил машина йил мобайнида 4 тоннагача кислород сарфлайди. Атмосферага 80 килограмм углерод гази, 40 килограммга яқин оксидланган азот ва деярли 200 килограмм турли хил углеродлар ишлаб чиқариши оқибатида атмосфера ҳавосини булғаланишига сабаб бўлади.

Автомобил транспортини ҳавони ифлослантириши билан бирга иссиқлик чиқариши ҳам экологияга салбий таъсир этади.

***(Давоми 2-бетда).***

Акс-садо

# КЎПНИНГ КЎНГЛИДАГИ ГАПЛАР

«Hurriyat»нинг шу йил 19 июль сонида эълон қилинган З. Исомиддиновнинг «Водийга автобус қўйиш вақти келди» сарлавҳали муаммоли мақоласини ўқиб, рости, кўпнинг дилидаги гаплар айтилганига иқрор бўлдим.

Муаммога юзакироқ қаралса, ҳеч бир йўловчи йўлда қолиб кетмаётгандек. Ҳозир дуч келган уловга қўл кўтариб, мулзам бўлиб қолмайсиз. Кирачиларнинг ўзлари сизга илтифот кўрсатиб, манзил сари чорлайдилар. Машинага ўтириб олсангиз бас, Худо фалокатдан асраса, бир зумда хоҳлаган жойингизга етказадилар. Пули ҳам тезлигига яраша ваҳимали. Йўловчи автобусга нисбатан 1,5 баробар баланд. Соғ-саломат манзилга етиб олишга кафолат йўқ. Жамоат транспорти эса уларга нисбатан анча арзон баҳода, боз устига, оҳиста, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда хизмат кўрсатади.

Биз пойтахтга ўқишга отлансак, кўпни кўрган оталаримиз, момоларимиз бундай деб тайинлар эдилар:

— Жон болам, кўпчилик билан бирга автобусда кетгин. Енгил уловга ўтириб бизни хавотирга қўйма.

Улар азбаройи пулимизни тежашни эмас, йўлимиз бехатар бўлишини ўйлаганлар.

Жорий йилнинг май ойида зарурат юзасидан ўлкамизнинг жануби — Термиз шаҳрига қизим билан боришимга тўғри келди.Тошкент вокзалидан автобусга ўтирдик. Ҳамма жиҳати билан қулай, юмшоқ ўриндиқларга жойлашиб олгач, майин куй сеҳрлаб кўзимиз илинибди. Уйғонсак, Жиззах йўлида кетаётган эканмиз. Яна суҳбат билан бўлиб Қашқадарёнинг қайсидир сўлим чойхонасига етиб келганимизни билмай қолдик. Бир оз тамадди қилиб олгач, йўлимизда давом этдик. Эрталабки 9 ларда Термизда бўлдик. Ҳар бир йўловчи олти минг бир юз сўмдан йўл кира тўлади. 12 минг сўм билан қизим иккимиз 750 километр наридаги Термизга етиб олдик.

Жўнаш олдидан турли-туман енгил улов эгаларидан қизиқиб йўл ҳақини суриштирган бўлдик. «Нексия»чилар 20-25 мингдан сўрашди. Бошқалар ҳам шунга яқин айтишди. Хуллас, автобусда борганимиздан сира афсусланмадик.

3 кунлик зиёратдан кейин орқага қайтишимиз ажабтовур бўлди. Тошкентдан борган автобусчилар бир кун қолиб, сўнг қайтишар экан. Биз Тошкентга йўл олган кунимиз ана шу «дам»га тўғри келибди. Хорижнинг 10 кишилик микроавтобусига чиқдик. Киши бошига 15 минг сўмдан йўл кира тўлашга келишилди. Бу автоулов дегани тиғи парроннинг ўқидек учар экан. Ҳайдовчи бамисоли одам эмас, картошка ортиб олгандек бамайлихотир газга оёқ тирайди. Буни ухлаб кетаётганлар билишмайди. Қизим иккимизни роса ваҳима босди. Сурхондарё ҳудудидаги энди таъмирланаётган йўлда тезликдан улов ағанаб кетай деди. Ҳайдовчи эса парво қилмайди. Хуллас, 14-15 соатлик йўлни 8 соатда босиб ўтдик. Қўрқув ва ҳадикдан зиёратдан олган таассуротларимиз ва ҳордиғимиз ҳам ҳавога учди.

— Биродар, сал секинроқ ҳайданг, — десак, ҳайдовчи ўз бизнесидан гап очади:

— Эрта тонгда Тошкентдан мижозларни Хоразмга олиб кетишим керак.

Капалагимиз учди. Ўшанда узоқ манзилларга соз ва қулай автобусларни қўйиш ва кўпайтириш жуда зарурлигини ҳис этдик.

Мен оддий касб эгаси сифатида жонкуярлик билан кўтарилган бу муаммони жуда муҳим ва ҳаётий деб ҳисоблайман. Йўловчиларнинг хавф-хатарсиз манзилларига етказиш масъулиятини олган соҳа вакиллари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари учун аллақачон фурсат етган.

Ҳар жиҳатдан юксалиш босқичида бўлган Республикамиз учун бу муаммони ҳал этиш, менимча, жуда катта куч ва маблағ талаб этмайди.

Мақолани қайта-қайта ўқиб, бутун умрини эл-юрт кори, хизмати учун йўлларда ўтказаётган юртдошларимизга айрича ғамхўрликни, хайрихоҳликни уқдим. Ана шу куюнчаклик соҳадагиларга ҳам шубҳасиз юқади, деган умиддаман.

**Собиржон ИНОМОВ,**
**журналист**
**Пискент тумани**

## Мозий

# САЙЙИД БАРАКАНИНГ ИНИСИ

Тарихнинг шафқатсиз бир ҳақиқати бор: у ҳам бўлса, ўтмишни бугун яратиб бўлмайди, аксинча, ўтмиш бугунни яратади. Шу маънода сизу биз Озодлик қалъасини, Мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаётган Ватанимиз тупроғи ҳам бой ўтмишга эгадир. Ва биз бугун дунёга кўз-кўз қилаётган қадриятларимиз илдизлари ҳам мозийнинг, тарихнинг ўлмас бўлакларидир.

Ана шу ўтмиш саҳифаларида номлари мангуликка айланган зотлар кўп. Шундайлардан бири Саййид Неъматуллоҳ Валий ҳазратларидир. Хўш, Саййид Неъматуллоҳ Валий ҳазратлари ким ўзи? Дунё халқларининг маънавий-маданий хазинасига қўшган тарихий хизматлари нималардан иборат, деган ҳақли саволларга баҳоли қудрат жавоб топишга уринамиз.

Қашқадарёнинг тоғли ҳудуди бўлмиш Китоб туманида Паландара (айрим манбаларда Баландара ҳам дейилади — муаллиф) деган манзил бор. Ана шу ҳудуд шимолида, яъни тоғлар этагида шу ерлик одамлар таъбири билан айтганда, Хўжа Неъмати деб аталувчи каттакон дара ястаниб ётибди. Айнан шу жойда бир вақтлар (1924 йилгача) Хўжа Неъмати номидаги қишлоқ ҳам бўлиб, кейинчалик бу ерлик аҳоли Обиканда ва Мўғул қишлоқларига кўчиб тушишган экан. Хуллас, бу дара ва гўшанинг Саййид Неъматуллоҳ Валий ҳазратлари номларига боғлиқлиги тарихи жуда узун. Биз учун эса ҳазратнинг макон тутган манзилларидан кўра, ибратли ҳаёт йўли ва бой маданий мероси ҳақида хабардор бўлмоқ муҳимроқдир.

Тўлиқ исм-шарифлари Шоҳ Саййид (уруғлари) Нуриддин (тахаллуси) Неъматуллоҳ (исмлари) ибни Мир Саййид Абдулло (оталари) ислом оламида маълуму машҳур алломалардан бири саналади. У киши милодий 1330-1431 (айрим манбаларда 1360 йил ҳам келтирилган) йилларда яшаб ўтган сўфийлик мартабаларига эришиб, ўз йўналишига эга бўлган авлиёуллоҳлардан бири, сўфий шоир, муттақий, соҳиби илм эдилар. Шунингдек, шариат суннатларига амал қилишда Пайғамбаримизнинг 19-авлодларидан бири ҳисобланади. Ҳалаб шаҳрида туғилиб, Ироқда таҳсил кўрганлар. 24 ёшларида муборак Ҳаж зиёратига бориб, у ерда машҳур мутасаввуф олим, тарихчи Шайх Орифиддин Абдуллоҳ ал Ёфеъий (1367 йилда вафот этган) билан танишади ва уни ўзига устоз деб билиб, силсилаи сулукидан жой эгаллайди. Ва етти йиллик беминнат хизматлари маъқуллангач, Ёфеъий ҳазратларига халифа бўлганлар (манба: Аббосқули ибн Боқихоннинг "Гулистони Эрам" асари, Боку, "Элм" нашриёти, 1991 йил, 130-бет). Шундан сўнг Ироққа қайтиб, кейинчалик Мисрга, у ердан Табриз ва Ардобел орқали Мовароуннаҳрга келадилар...

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китоби ("Камалак" нашриёти — 1994)да ёзилишича, "Саййид Барака ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз кутилмаганда Улхумоюн манзилидан пешвоз чиқади ва подшоҳлик белгиларини англатувчиноғора ва байроқ келтириб, ҳазрат Соҳибқиронга совға қилади". Бу воқеа 1370 йили Термиз шаҳрида ҳазрат Соҳибқироннинг Амир Ҳусайн устига юриш қилиб, Балх шаҳри томон боришида содир бўлади. Бу маросимда Неъматуллоҳ Валий ҳам акалари Саййид Барака билан биргаликда иштирок этади (бу бизнинг мулоҳазамиз).

Тарихчи олим Аҳмаджон Чориевнинг "Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби" ("Шарқ" нашриёти — 1996) китобида бу учрашув хусусида шундай мазмундаги ҳикоят келтирилади: Ҳазрати Темур алайҳирраҳма Ироқда бўлган урушда ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолади. Шундай машаққатли синовларда ироқлик машҳур зотлар ака-ука Саййид Барака ва Саййид Неъматуллоҳ бутун мол-дунёлари ҳамда ўзларига тобе одамлари билан биргаликда Амир Темурга ёрдам берадилар. Ироқ ишғол этилгач, Соҳибқирон бобомиз ўз замонасининг улуғ пири комиллари бўлмиш ака-ука саййидларга чин дилдан ихлос қўяди. Соҳибқирон ҳам Мовароуннаҳрга мутлақ ҳукмдор бўлгач, иккалаларини ўзлари билан Самарқандга келишларини илтимос қилади ва бирга қайтиб келганларидан кейин доимо ёнларида олиб юрадилар. Ҳар қандай машварату маслаҳатлар Саййид Барака ва Неъматуллоҳ Валийсиз ўтмайди. Бироқ улар Самарқандга келгунларича жаҳонгирнинг ёнида яна икки эронлик ишончли кишилари ҳам бор эди. Кутилмаганда саройга ташриф буюрган ака-ука саййидларга Амир Темурнинг қўяётган қаттиқ эътиқоди ва кўрсатилаётган катта ҳурмат-эҳтироми уларга ёқмайди. Ва қандай қилиб бўлса-да, икки ўртага нифоқ, адоват солиш йўлларини излашади. Хуллас, кўрилган жиддий ҳийла ва фитналар иш бериб, орадаги ишонч-эътиқод сал пасайганини сезган ака-ука саййидлар Самарқанддан чиқиб кетмоқ учун йўлга тушадилар. Қоратепа тоғи билан Койни тоғининг ўртасидаги Хожа Улуғ деган жойга етганларида Амир Темур изларидан етиб боради. Саййид Баракани пойтахтга қайтишга кўндирган жаҳонгир ўз пирлари билан маслаҳатлашиб, укалари Саййид Неъматуллоҳ Валийни Кеш вилоятида макон тутишларига изн сўрайди... Шу-шу халқ орасида "Барака Самарқандда, Неъмат Кешда" (яъни, Қашқадарё воҳасида ноз-неъмат бисёрлигига, Самарқандда эса барака кўплигига ишорат бўлса керак) деган ибора тарқалиб кетган экан...

Ривоят қилишларича, Неъматуллоҳ



Валий довондан тушгач, Косатарош деган қишлоққа қадам ранжида қиладилар. Шу ерлик илми соҳиб Хожа Ҳасан деган кишиникида меҳмон бўлганларида ғаройиб каромат рўй беради. Яъни ўзаро гурунгда чол-кампирнинг фарзандлари йўқлигини англаган Неъматуллоҳ Валий Тангри таолодан бу муштипар инсонларга бир солиҳ фарзанд сўрайди. Ўзлари шу гўшада макон тутиб яшай бошлайдилар. Орадан кўп ўтмай тўқсон ёшли Хожа Ҳасан оиласида ўғил дунёга келади. Саксон ёшли Малакот она кексалиги боис чақалоқни эмизолмайди ва бола сутсиз катта бўлади. Яратганнинг тенгсиз марҳамати туфайли туғилган болакай сутсиз улғайгани учун уни одамлар Бешир (сутсиз) деб номлашади. Бу тақдир соҳиби эса бугун барчага маълуму машҳур бўлмиш зот — таважжуҳига кўра яссавия тариқатига мансуб бўлмиш Султон Саййид Аҳмад Валий, кунялари Ҳазрати Баширдир. Бугунги кунда Китоб туманидаги Башир қишлоғида ул зоти шарифнинг айни истиқлол йилларида обод этилган зиёратгоҳларидан юртдошларимиз қадами узилмайди.

Саййид Неъматуллоҳ Валий тахминимизча, беш-олти йил ўз хизматига келганлар ҳисобига шаклланган Хўжа Неъмати қишлоғида яшаганлар. Сўнг Ҳиротга кўчиб бориб, Ҳирот ҳокими Имомиддин Ҳамза ал-Ҳусайн ал-Ҳарвонийнинг қизига уйланади. Кейин эса Язидда бироз яшаб, Кермон вилоятига ўтади. Ниҳоят сўнгги 25 йиллик умрини Кермон вилоятининг Махон қишлоғида ўтказадилар. Булар ҳақида манбаларда сўз боради.

Неъматуллоҳ Валий ўз тарғиботларида буюк яратувчи — Тангри таолони дунёнинг ягона шоҳи, деб атайди. Бу ғоя ул зот асос солган биродарлик йўналишининг ажралмас қисми бўлган. У киши ўзининг руҳий тарғиботини Жунайд ал-Бағдодий ва Маъруф ал-Кархий орқали Али Абу ибн Толибга тақайдилар. Ўз дунёқарашларида арабистонлик Аҳмад ал-Шазали ҳамда Абу Мадён фикрларини сингдириб, ғояларида Нажмиддин Кубро ва Хожагон мактаби ҳолатларидан келиб чиқиб, Ибн ал-Арабий йўналишига хос ваҳдад ал-вужуд ғояларини тарғиб этадилар. Неъматуллоҳ Валий сўфийликдаги ал-Жунайднинг "Ҳушёрлик мактаби", Боязид ал-Бистомий ҳазратларининг "Маст бўлиш мактаби" ғояларини ўрганади. Ул зот Аллоҳга Фақир (камтаринлик), Меҳр (Аллоҳни севиш, Унинг ғазабидан қўрқиш, Унга талпиниш), Таслим (топширмоқ, бўйсунмоқ), Вараъ (манъ этилган ишлардан тийилмоқ, парҳезкорлик, тақво), Ридо (дарвешларнинг устки кийими), Фано (илоҳиётга сингиш) каби олтита поғонама-поғона давомий йўл орқали етиб борилишини кўрсатганлар.

Маълум бўлишича, Неъматуллоҳ Валий ҳазратларининг араб ва форс тилларида 544 турли хил масалаларни ёритган меросий ёзишмалари бўлган ва улардан бизгача 110 таси етиб келган. Бундан ташқари, Ибн Арабий, Фахриддин ал-Ироқийнинг сўфийлик тариқатига оид таълимотлари битилган 1541 ғазалдан иборат катта девон тузган, деган маълумот ҳам бор. Ул зотнинг бой мерослари Ироқ ва Кермонда ҳозирги кунгача Амир Саййид Нуриддин Неъматуллоҳ Мир Саййид Абдулло Кермоний номи билан тўрт марта чоп этилган.

Сезиб турибмиз, юртдошларимиз кўнглида яна бир савол очиқ қолаётир. У ҳам бўлса, икки дарё оралиғида умрининг ҳисобли йилларини ўтказган бу файласуф сўфий инсоннинг яшаб ўтган манзиллари, қадамжолари қай аҳволда ёхуд у кишининг авлод-аждодлари ҳам борми, дейишингиз табиий.

Тарихдан маълумки, Соҳибқирон бобомиз вафотларидан кейин унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо отаси васиятига кўра, Амир Саййид Бараканинг жасадини Андхўй шаҳридан олиб келиб, Темурийлар хилхонасига — жаҳонгир Амир Темур ҳазратларининг бош томонига дафн эттиради. Неъматуллоҳ Валийнинг ҳокларини эса Кермон вилоятининг Махон шаҳридан олиб келтириб, Кешда яшаган жойлари — ҳозирги Китоб туманидаги Мўғул қишлоғи ҳудудига қўйдиради. Шу жойда мақбара қуришга буйруқ берилади. Бундай маълумотлар халқ орасида узоқ йиллардан буён яшаб келмоқда. 1447 йилда Шоҳруҳ Мирзонинг вафоти оқибатида бу хайрли иш тўхтаб қолади. Яъни қабр устига ёдгорлик тошигина ўрнатилади, холос. Қабр тошда у кишининг исм-шарифлари Саййид Неъматуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибни Абдураҳмон деб, вафот этган йиллари эса олти йилга фарқ қилиб қолган. Афтидан, тошга ёзувчи ҳаттотга маълумот берган одамлар ҳам ул зоти шариф хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган.

Яна бир маълумот: билишимизча, ҳозирги пайтда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг айрим ҳудудларида ул зотнинг 16-17-авлодлари умргузаронлик қилаётган экан.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамизни ҳам айтиб ўтмасак бўлмас: биз тилга олган улуғ зоти бобарокот қадамжолари кўпчиликнинг эътиборига муҳтож. Тўғри, китоблик зиёлилару азиз зот яшаб ўтган қишлоқ аҳли ҳам қараб турганлари йўқ. Шу йил баҳорида Саййид Неъматуллоҳ Валий зиёратгоҳларини ободонлаштириш йўлида хайрия ҳашарлари ҳам уюштирилди. Аммо булар ҳали улкан дарёдан бир томчи холос. Ўйлаймизки, бу савобли ишлар вилоят миқёсида ҳали давом этади. Очиғи, бизнинг қўлимизда у кишининг ҳаёти, ижодий фаолиятига бевосита боғлиқ манбалар жуда кам. Шул боис бугун сўз юритганимиз Саййид Неъматуллоҳ Валий ҳазратлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни тугал хулоса деб айтиш фикридан йироқмиз. Бироқ бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: у ҳам бўлса томирларимизда оқаётган қоннинг зарра-зарралари буюк аждодларимизга туташлигини ва уларга муносиб авлодлар бўлмоқлигимизни ҳар он, ҳар лаҳза ёдда тутмоқлигимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**журналист**
**Аҳад БЕРДИЕВ,**
**тарихнавис**

## Назм

# Наҳот шунча биздан узоқда поклик?!

*Тўзон! Ўйлаб кўрганмисан бирор пайт?*
*Ҳеч кимнинг кўзини асло очирмай,*
*Тупроқ ёғдиришдан мақсадингни айт.*

***

*Эй, қум, бу дунёда яшаб не этдинг,*
*Қанча обиҳаёт, қанча нур ютдинг.*
*Аммо қайтимини нега унутдинг?!*

***

*Агарки дардингни ҳар кимга ёрдинг,*
*Жисмингни ўзгалар кирига қординг.*
*Демакки, бефойда тутадинг, ёндинг...*

***

*Кимдир ўйламасдан фақат кемиради.*
*Ким тоғдай ер, аммо ичин емиради.*
*Ажаб, кимдир ҳатто сувдан семиради...*

***

*Нафрат айтиб тенгсизликка, зўрликка,*
*Турфа ожиз зотлар чиқди ҳурликка.*
*Кенг тўқай тор келди арслон шўрликка.*

***

*Туялар замона зайлига боқиб:*
*«Роҳатда яшаймиз армондан чиқиб»,*
*Деганда кетдилар карвондан чиқиб...*

***

*Туҳматчи Қуёшдан тозаман, деди.*
*Айбларини топиб, унинг устидан*
*Фалакка арзнома ёзаман, деди.*

***

*Гар ҳамма билса-да юлдузлигингни,*
*Бозорга соларкан шаън-ўзлигингни,*
*Намоён қилурсан ожизлигингни.*

***

*Сени чирантирган тўрт-беш чой-чақа.*
*Ўзингни тутолмай йиртурсан ёқа.*
*Айт, кимсан, юз бурса "бебилиски" соққа?!*

***

*Алғов-далғов этиб ернинг устини,*
*Тўғрисин айт, олдинг кимнинг қасдини?*
*Энди мохов қилма тупроқ остини!*

***

*Ожиздир нафратга чулғанган қалбим.*
*Кўзингизда ёнган ўтни кўрдим-у,*
*Нетай, юзингиздан ўтолмай қолдим.*

***

*Бўғин-бўғинларим сўкилиб кетди*
*Сиздаги азобу оғриқни кўриб,*
*Юрагим қумдай тўкилиб кетди.*

***

*Ноҳақлик сабабли қай юрак дарздир.*
*Бил, унинг ягона малҳами арздир.*
*Илоҳий ҳақ қарор топмоғи фарздир.*

***

*Яланғоч, оч келдик... меҳр қўйдирди —*
*Дунё бизни кийдириб, тўйдирди...*
*Сўнг ҳирсда ёндириб, куйдирди.*

***

*Барги хазон... сархуш қалқиб шосупада*
*Хаёлингга келмадими, айт, мобода,*
*Қачонгача ўтираман, деб тепада?!*

***

*Фақат ўзни десак инсон бўлолмасмиз.*
*Ҳаёт қил устида қалтираган пайт,*
*Уни асрагувчи бир жон бўлолмасмиз.*

***

*Ялангоёқ совуқ азобини туяди...*
*Ечиб берсанг, ковушингни кияди.*
*Ёз келса, юзингга оёғини қўяди.*

***

*Шайтон унга ҳаромдан бериб қолди.*
*Яратганнинг қаҳрин келтираверди,*
*Кунлардан бир кун Худо уриб қолди.*

***

*Умр — ҳайрат! Яшамоқ — орзу ва сабр.*
*Кутишу энтикиш... ширин туш... таъбир.*
*Қолгани ҳаммага тенг — абадий қабр.*

***

*Буни ҳеч қачон унутма, болам.*
*Бир-бирин кўрганда ким бўлса ҳам,*
*Энг аввал салом берган — энг буюк одам!*

***

*Бир келиб кетувчи меҳмонхонада,*
*Эъзоз топсам, дейди ҳар ким янада.*
*Лек синов азоби минг дард танада.*

***

*Қор тушиб, тоғларни қоплаган оқлик.*
*Кўкда хира булут. У ёқда софлик.*
*Наҳот, биздан шунча узоқда поклик?!*

**Қамбар ОТА**

## Санъат









***Ҳозирги кинога бағишланган илмий очерклар, таҳлилий мақолалар ниҳоятда камлиги, янги фильмларга тақризлар (аннотация, асар мазмунини айтиб берувчи информациялар эмас!) ўз вақтида берилмаслиги туфайли "Ўзбек киноси борми?", "Нега янги фильмлар суратга олинмаяпти?", "Нега ҳозирги фильмлар аввалгидек қизиқарли эмас?" каби турли мулоҳазали саволларни эшитиб қоламиз. Шу боис, "Ўзбеккино" агентлиги студиялари ўтган йили суратга олган баъзи бадиий фильмларни диққат билан кўрдик ва улар мисолида миллий кинематографиямизда жўш ураётган ижодий жараёнга назар ташладик.***

# МИЛЛИЙ КИНО ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

### "Йўл бўлсин" ва "Ўйин" фильмлари ҳақида мулоҳазалар

Бугун бир гуруҳ ёшлар режиссурага кириб келгани, дастлабки асарлари билан кино аҳлининг эътиборини қозонгани ижоднинг бу соҳасида юз берган энг муҳим воқеа бўлди. Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шахобиддинов, Торениёз Қалимбетов, Ориф Йўлдошевнинг изланишлари туфайли режиссуранинг янги қирралари намоён бўлди. Қамара Комолованинг кадрлари бошқаларникидан, аввало, шоирона руҳи, Шарқ аёлларига хос назокатнинг нафис ифодаси билан ажралиб туради. Жаҳонгир Қосимов биргина асарда ҳам ҳажв, ҳам фожеанинг юксак ифодаларини намойиш қилиш мумкинлигини кўрсатди...

Шундай мулоҳазалардан кейин ўнлаб "фильм"лар хусусий студиялар белгилари билан катта экран сари йўл олаётгани, улар талаб даражасида эмаслигини ҳам қайд этиш ўринли. Бинобарин, ижодий кучларни уюштириш, кинога кириб келаётганларнинг изланишларини кузатиб бориш, экран асарларини таҳлил қилиш ва баҳолашда "сийлов"га йўл қўйиб бўлмаслиги барчамизга аён.

"Йўл бўлсин" фильми режиссёри Қамара Камоловага поэтик кинода оқ йўл тилагинг келади. Зеро, бизнинг миллий кинематографиямиздаги энг кучли, қудратли бадиий оқим мумтоз шеъриятимиз поэтикаси, фалсафаси, улуғвор руҳи билан чамбарчас боғлиқдир. Яқин ўтмишда бир-икки асар ("Инсон қушлар ортидан боради", "Аччиқ данак")ни айтмаганда кино амалиёти ҳамда шеърият анъаналари ўртасидаги ришталар узилиб қолган эди. Ҳозирги эстетик мустақилликка эришиш жараёнида эса "Йўл бўлсин" киноасарининг яратилиши қувонарли ҳодиса бўлди. Фильм драматургик қурилишида айрим қусурлар учраса-да, унинг юксак тасвирий маданияти, бой овозли воситалар композицияси эътиборни жалб этади. Режиссёр Қ. Камолованинг мафтункор юртимизга, унинг гўзал урф-одатларига бўлган меҳридан дарак беради. Фильмни кўриш жараёнида у билан бирга қувонамиз, кўзимизга ёш олиб жараёнда падари бузруквори билан хайрлашиб хотинлик оламига йўл олган кўркам келинчак билан учрашамиз. Бироқ қайд этиш жоизки, асарнинг гўзал рангларга бой айрим кадрларида драматургик юк мавжуд эмас. Бинобарин, монтаж пайтида уларни ихчамлаш фильм кинокомпозицияси яхлит ва пухта бўлишини таъминлаши мумкин эди. Лекин барибир фильм режиссёрига миннатдорлик сўзларини айтгимиз келди. Чунки "Йўл бўлсин" бугунги кино жараёни учун, телевизион фаолият учун ниҳоятда зарур асар, деб баралла айтиш мумкин.

Севги ёшидаги нозаниннинг самимияти, латофати, севинч ва иккиланган лаҳзаларини ҳаракатдаги тасвир, лирик садолар, бир-биридан гўзал қиёфалар ила кўрсатишни мақсад қилиб қўйган "Йўл бўлсин" ижодкорлари режиссёрлик даъвосида юрган кўпдан кўп инсонларга кинонинг аслида қандай бўлиши кераклигини эслатиб қўйдилар. Экранда истиора, рамзий образлар, мажозий ифодаларнинг ўз ўрнида акс этгани, ижрочи маҳорати билан ҳолатга кириша олгани, мусиқанинг драматургик вазифаларига эътибор берилгани ҳамда уни тасвир билан боғлаш йўллари изланганни ва нур манбаларининг эстетик мақсадларга хизмат қилгани киноасар ҳақида жиддий фикр юритишга ундайди. Телевидение аҳли эса халқ куйларини "экранлаштириш" даражасига кўтарилиш йўлида бу фильмдан сабоқ олиши мумкин.

Услуб, талқин йўллари драматургик қурилиш нуқтаи назаридан Қ. Камолованинг фильмидан тубдан фарқ қиладиган "Ўйин" кино қиссаси билан кинорежиссурага Ориф Йўлдошевдек истеъдодли санъаткор кириб келди. Режиссёр санъатининг мураккаб соҳасида ижод эта олишини сценарий танлашда актёрларнинг уюшқоқ гуруҳини ташкил этишда ва улар билан ишлашида намойиш этди. Фильм сценарийси адабий жиҳатдан пухта ёзилган. Муаллиф Шароф Бошбеков экран драматургияси талабларидан келиб чиқиб, бир қатор эпизодларнинг макрокомпозициясини ихчам, таъсирчан бир шаклда ифодалаб берган. Тажрибали кинодраматург ёнида ижодга ташна режиссёр Ориф Йўлдошев бўлгани, театр ва кино актёри Фотиҳ Жалолов марказий қаҳрамон ҳолатига кириб, талқин услубини танлаб олгани ва пировардида дурустгина киноқисса яратилгани қувонарли ҳол.

Айни пайтда режиссёрлар сафини истеъдодли актёрлар, қалам соҳиблари, операторлар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг малакасини ошириш, махсус курсларда таҳсил кўришлари, сўнгра бевосита суратга олиш майдончасида ижод мактабини ўташлари ижобий самара беради. Назаримизда, йилига 10-15 бадиий ва кўпдан кўп ҳужжатли, илмий-оммабоп, анимацион, телевизион фильмларни суратга олиш режалаштирилаётган ҳозирги кунда биринчи галда ёш кинодраматург ва кинотелережиссёрларни тайёрлаш имкониятларини излаш зарур. Шу боис дебют — кинорежиссурадаги илк қадам бўлмиш "Ўйин"ни диққат билан томоша қилдик, куй эпизодларининг бадиий ечимидан қониқдик, катта ижодий гуруҳ саргузашт унсурларидан ҳоли бўлмаган қисмнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида қайғурганидан мамнун бўлдик. Режиссёр ташқи кўриниши кўркам, ижобий қаҳрамонлар ролларини ўйнаб танилган Фотиҳ Жалоловга психологик жиҳатдан анча мураккаб, қаттиққўл, бераҳм шахс образини яратишни топширгани ўз кучига ишониши, актёр билан роль устида ишлай олишини кўрсатади. Ўйин жараёнида қиёфалар, ёрқин портретлар намоён бўлиши, йўлдан адашган йигитнинг кечинмалари, азоби, тавба-тазарру дамлари талқини режиссёрнинг бадиий бисоти анча бойлигидан дарак бериб турибди. Киноасарда анъанавий "ижобий қаҳрамон" тушунчасига мос келган образ йўқдек кўриниши айримлар томонидан камчилик деб баҳоланиши ҳам мумкин. Чунки яқин ўтмишда догматик танқидчилик ушбу ҳолни қоралар, бунинг учун ижодкор шаънига мақтовдан йироқ бўлган сўзлар айтилар эди. Аслида асарнинг муваффақияти шундаки, эгри йўлга кирганларни фош этиш йўли билан бадиий умумлашмага келинган. Ножўя қўйилган қадам ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга олиб келиши "салбий образлар" талқинида, уларнинг жирканч қилмишлари орқали кўрсатилган, Шу билан бирга режиссёр келажакда интерьернинг "таржимаи ҳол"ини назарда тутиб тайёргарлик кўриши ва суратга олиши, умуман "қаҳрамон ва муҳит" муаммосини ҳамиша ёдда сақлашини истардик.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

### Сўзсиз сурат

Жаҳонгир МИРЗО чизган





# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ !

**Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари учун танлов**

***Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ОАВ ва ахборот агентликлари ўртасида грантлар ажратиш бўйича Грантлар дастури доирасида танлов эълон қилади.***

***Танловда таҳририят ёки ноширлари мулкларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик шахс бўлган ва Қорақалпоғистон Республикасида, Ўзбекистоннинг вилоятлари ва туманларида нашр этиладиган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этиши мумкин.***

**Танловни ўтказиш шартлари**

Танловга қуйидаги масалаларни амалга оширишга қаратилган инновацион лойиҳалар қабул қилинади:

- жамият учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий аҳамиятга эга бўлган медиа-лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш;
- журналист кадрлар, шу жумладан, босма ОАВ раҳбар ходимларининг касб маҳоратини ошириш, медиа-бизнес ва менежмент, бухгалтерия ишларини ҳисобга олиши ва босма ОАВнинг хўжалик фаолиятини юритиш бўйича замонавий усулларни ва бошқа инновацион таклифларни амалиётга тадбиқ этиш;
- босма ОАВ ходимларининг истиқболлари лойиҳаларини ва ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Танлов натижалари бўйича ғолиблар ва жамоат фонди ўртасида шартнома тузилади.

Грант суммаси Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача белгиланади. Грант 12 ой муддатгача берилади.

Грантларни ажратишда қуйидаги мавзулар устиворликка эга бўлади:

- «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурининг қандай бажарилаётганлиги;
- болалар спортини ривожлантириш;
- уй-жой ва коммунал соҳасидаги ислоҳотлар;
- кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни янада эркинлаштириш;
- экстремизм, ирқий, диний ва миллий ҳамда халқаро терроризм кўринишларига қарши кураш;
- кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши;
- бандлик муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари;
- экология маданияти ва экология хавфсизлиги;

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Фонд директори номига ёзилган буюртма билан Фондга мурожаат этишлари, грант олиш учун махсус буюртма шаклини тўлдиришлари лозим.

Танловга тақдим этилган лойиҳалар Экспертлар кенгаши томонидан танлаб олинади ва баҳоланади. Тақдим этилган лойиҳалар қуйидаги мезонлар асосида танланади:

- мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ижодий лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти;
- журналистиканинг замонавий журналистика талабларига, халқнинг миллий ва маданий анъаналарига мос бўлган ижодий лойиҳаларнинг ғоявий ва бадиий даражаси;
- лойиҳада белгиланган масалаларнинг долзарблиги ва муҳимлиги;
- лойиҳани амалга оширишдан кутилган натижалар.

Грантларни олиш учун буюртмалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларда тўлиқ бўлмаган ёки ноаниқ маълумотлар берилган бўлса, Экспертлар кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилса, бундай лойиҳалар танловда иштирок этишга қўйилмайдилар. Шунингдек, бюджетдан қарздор ташкилотлар ҳам танловда қатнашишлари мумкин эмас.

Танлов ташкилотчиси буюртмалар Жамоат фондига ўз вақтида етказилмаганлиги учун жавоб бермайди.

Буюртмаларнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилмайди, лойиҳалар тақриз қилинмайди, танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиш учун зарур бўлган буюртма нусхаси ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки www.mmf.uz сайтидан олиш мумкин.

Танловга тақдим этиладиган материаллар «Грант олиш бўйича танловга» деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга тақдим этилади: Тошкент шаҳри - 700129, Навоий кўчаси 30-уй, (3-қават, 5-хона).

Ҳужжатлар Республика ОАВда танлов эълон қилинган кундан бошлаб, шу йилнинг 20 августига қадар қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон: 144-14-28,144-12-51 (факс), www.mmf.uz**

***E-mail: mmf@uzpak.uz., mmf.uz@mail.ru***



O'zingni anglab yet HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

*Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:* Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

**Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Фаррух ЖАББОРОВ**

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 957
Т: 3204
1 2 3 5 6

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*